

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «15» август даги 6 - сонли йигилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1	Кўлланиш соҳаси	4
1.2	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи	5
2.	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар	6
2.1	Магистрларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига кўйиладиган малака талаблари	7
3.	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар	8
3.1	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2	Илмий фаолиятга кўйиладиган талаблар.....	11
3.3	5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	13

1. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислигининг умумий таснифи

5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби (ОТ МТ) 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. ОТ МТнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим соҳаси(таркиби)нинг магистратура мутахассисликлардан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида ўзбек тили, умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўзбек тили ва адабиёт фанларини ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот марказларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, давлат бошқаруви органларида, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ўзбек тили;
- тил қурилиши, тил ва нутқ бирликлари;
- ўзбек тилининг тараққиёт қонуниятлари;
- Ўзбекистондаги лисоний вазият;
- тилшунослик: анъанавий ва замонавий йўналишлари;
- умумфилологик ва ижтимоий фанлар мазмунига тааллуқли бўлган турли нутқ услубларига доир асарлар;
- адабий манбалар;
- лингвистик манбалар;
- матнлар
- луғат ва қомуслар;
- жонли нутқ материаллари;
- оммавий ахборот воситалари материаллари.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- *илмий-тадқиқот фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *педагогик фаолият: Олий, малака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолият (урнатилган тартибда);*

- *ноширлик ва муҳаррирлик фаолияти;*
- *турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.*

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий мослашув имкониятлари:

5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги битирувчилари кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълимини олиши мумкин.

Шунингдек, магистрлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши. методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

– ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши. ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

– бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши. ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

– педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

– илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

– патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

– давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Магистр:

– мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– тегишли фан соҳаларига оид илғор тажрибаларни инобатга олган ҳолда. мутахассисликка оид янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– касбий фаолиятига мос илмий адабиётларни, илмий тадқиқот лойиҳаларини ва янги илмий натижаларни ўрганиш;

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;

– илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

– илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

– мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш. рефератлар ва библиографияларни тузиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш, жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- ностандарт вазиятларда ташкилий бошқарув қарорлари қабул қилиши ва ушбу қарорлар учун масъулиятни ўз зиммасига ола билиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, хусусий тадбиркорлик субъектларида маънавий-маърифий ишлар бўйича менежер сифатида фаолият юритиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалаврият ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- гуманитар фанлар соҳаси учун ДТС, Малака талаблари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Турли хизматлар кўрсатиш:

- мутахассисликка мос маслаҳатчилик хизмати;
- ўзбек тилшунослиги тарихини илмий ўрганиш, жараёнларни объектив ва холис илмийлик нуқтаи назаридан ёритиш;
- тадқиқ қилинган мавзулар бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш;
- кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, вақтли матбуот саҳифалари ва архив маълумотларидан фойдалана олишга оид методик фаолиятни амалга ошириш;
- қадимги қўлёзма ва тошбосма манбаларни ўқий олиш, улардан фойдаланиш;
- пуллик таълим хизмати кўрсатиш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича давлат грантлари ва хўжалик шартномалари асосида тадқиқот ишлари бошқа хизматларни кўрсатиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиланган туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг илмий амалиёт (стажировка)лари олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот ҳамда кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ўтказилади.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Умумметодологик фанлар блоки:**

– миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

– тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

– таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

- ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;
- нутқнинг коммуникатив сифатли бўлишини таъминлаши;
- амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

- тилшуносликнинг филологик фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаши;
- бадиий матннинг таркибий тузилишини аниқлаши;
- тилшуносликда қўлланиладиган истилоҳлар мазмунини билиши;
- ўзбек тилининг бойиши ва унинг манбаларини аниқлаши;
- тилшуносликнинг етакчи хусусиятларини билиши;
- матннинг лингво-услубий турлари;
- матннинг таркибий қисмларини боғловчи воситалар;
- матннинг фонетик таҳлил усуллари;
- матннинг лексик таҳлил усуллари;
- матннинг морфологик таҳлил усуллари;
- матннинг синтактик таҳлил усуллари;
- матннинг лингвопоэтик таҳлили;
- матннинг антропоцентрик тадқиқи;
- замонавий психолингвистик назарияларни тавсифлаш;
- коммуникатив вазият ва коммуникатив номинациянинг ўрнини белгилаш;
- коммуникация жараёнидаги психолингвистик воситаларни қўллаш;
- стимул ва реакция тушунчаларини билиш;
- нутқ фаолиятини ташкил қилишдаги зарурий омилларни тушунтира олиш;
- инсон, вазият ва эксперимент омилларига таяниш;
- матннинг яратилиши ва тушунилишини изоҳлаш;
- коммуникацияда самарадорлик ва ишончлили қўлчовлари;
- матнни услубий баҳолай олиш;
- ўзбек маданиятининг лисоний кодда вокеланиши;
- этномаданий этиканинг тамойиллари;
- маданий матнлар билан ишлаш методлари;
- муомаланинг ахлоқий меъёрлари;
- коммуникантлар орасида ўзаро тушунишни таъминловчи омиллар;
- менталитетни тадқиқ этишдаги ўзига хос усуллар;
- маданиятлараро мулоқотда имо-ишоралар;
- тилни бошқа семиотик системалардан фарқлаш тамойиллари;
- лингвосемиотиканинг соҳавий хусусиятлари;
- тил, лисон ва нутқни фарқлаш тамойиллари;
- тил, лисон, нутқни фарқлаш методологияси;
- сатҳлар иерархияси назариясининг парадигматик асослари;
- лисоний ва нутқий бирликларни ажратиш тамойиллари;
- лисоний оппозициялар турлари, хусусиятлари ва аҳамияти;
- привативликнинг тил тизимини ташкил этиш хусусиятлари;
- градуалликнинг тил системасидаги ўрни ва роли;
- прагматика ва семиотикага оид назарий тушунчалар;
- прагмалингвистик таҳлил усуллари;
- социопрагматик таҳлил методлари;
- семантика ва прагматиканинг илмий-амалий моҳияти;
- дискурс ва унинг турлари;
- субстанциал-прагматик ёндашувнинг моҳияти, методологияси ва методикаси;

- маданиятлараро тўқнашувларни бартараф этиш йўллари;
- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Танлов фанлари:

Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида, фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоли ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Танлов фанлари таркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалар асосида шакллантирилади.

3.2. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар:

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий педагогик ишлар бажарилишини, магистрлик диссертациясини тайёрлашни назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишига бўлган талаблар

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий) ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади;

Илмий-тадқиқот иши:

- магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;
- экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва ақс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш;
- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини шакллантириш;
- фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланишни назарда тутати.

Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар

Илмий-педагогик иш ОТМ ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Илмий-педагогик иш:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидадан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳоратни ва кўникмаларини шакллантириш;

– ўқув жараёнини илмий-услубий жихатдан таъминлашни ташкил этиш, ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим;

шунингдек:

– махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

– маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

– янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

– талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

– талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

– услубий кўрсатмаларни тузиш;

– тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутати.

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иктисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи ўқув йилининг биринчи икки оyi давомида амалга оширилади. Ишнинг бажарилиши мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюрolari ҳамда ишлаб чиқаришнинг юкори малакали мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган кўринишида* илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий ечим) нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд муқобил вариантларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўргазмали материал кўринишида мустаҳкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўргазмали материал *ҳажми ва мазмунининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссиясига: илмий раҳбар *хулосаси*, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг *ташқи тақризи* ва мос мутахассисликнинг магистр таълим дастури бўйича шахсий режа бажарилганлиги ҳақидаги *маълумотнома* билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида очик химоя қилинади.

Илмий семинарга бўлган талаблар

Илмий семинар магистратура талабаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш кўникмаларини шакллантиришга, магистрантнинг назарий-методологик тайёргарлигини чуқурлаштириш ва йўналтиришга, илмий-тадқиқот фаолияти технологияларини амалий эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган. Илмий семинарнинг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий коммуникация кўникмасини шакллантириш, илмий-тадқиқот иши натижаларини унинг турли босқичларида муҳокамасини ташкил этишдан иборат. Илмий семинар ОТМ да ёки ЎзФА ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида 1, 2, 3 семестрлар мобайнида ўтказилади.

Илмий семинар:

– магистрлик диссертацияси мавзун бўйича манбаларни (дарслиklar, ўқув кўлланмалар, илмий монографиялар, мақолалар, маърузалар, услубий адабиётлар ва ҳ.к.) ўрганиш;

– маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича маъруза тайёрлаш ва илмий семинарда маъруза қилишни назарда тутати.

Илмий амалиёт (Стажировка).

Илмий амалиёт илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида амалга оширилади. Илмий амалиёт (Стажировка) магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрлар энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда фан, таълим, маданият тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот ишлари, тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Илмий амалиёт (Стажировка):

– илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

– тилшуносликнинг бошқа соҳа ва тармоқларидаги замонавий техника ва технологияларда қўлланилиши билан таништириши;

– амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;

– касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда илмий амалиёт (стажировка)га йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида ҳам бажариши кўзда тутилади. Ушбу ҳолатда стажировкани ташкил этиш тартиб-қоидалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат (Низом) асосида олиб борилади.

3.3. 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	54 ҳафта
Илмий амалиёт (стажировка)	21 ҳафта
Аттестациялар	7 ҳафта
Таътиллار	18 ҳафта
Жами	100 ҳафта

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир катор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқини даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 35 - 55%;

аттестация - 4 - 7 %;

таътиллар - 15 - 20%;

илмий фаолият - 45 - 65%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш-40-60%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 16 %;

мутахассислик фанлари - 53,7 %;

таълимовий фанлари - 30,3 %.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55


ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти



Директор  **Н.Махмудов**
2018 йил « 4 » 08
М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор  **Ш.С.Сирожиддинов**
2018 йил « 4 » 08
М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

<p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази</p> <p>Директор  Б.Х.Рахимов 2018 йил « 7 » <u>08</u> М.Ў.</p>	<p>ЎзРФА Давлат адабиёт музейи</p> <p>Директор  Ж.Эшонкулов 2018 йил « 7 » <u>08</u> М.Ў.</p>
---	--

<p>Жиззах давлат педагогика институти ректори  А.Ж.Холбеков 2018 йил « 7 » <u>08</u> МЎ</p>	<p>Чирчик давлат педагогика институти ректори  Ғ.И.Мухаммедов 2018 йил « 7 » <u>08</u> МЎ</p>
---	--

**5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги
бўйича таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Фанлар блоклари ва интеграллаштирилган курслар	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Умумметодологик фанлар	260
1.01	Илмий-тадқиқот методологияси	65
1.02	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	65
1.03	Амалий хорижий тил	130
2.00	Мутахассислик фанлари	870
2.01	Лингвокультурология	124
2.02	Матн тилшунослиги	250
2.03	Психолингвистика	124
2.04	Назарий тилшунослик масалалари	248
2.05	Прагмалингвистика	124
3.00	Танлов фанлари	490
	Жами	1620
4.00	Илмий фаолият	2430
4.01	Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш	1026
4.02	Илмий семинар	270
4.03	Илмий амалиёт (стажировка)	1134
	Жами	4050
	Ҳаммаси	4428

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти томонидан 5A120102 – Лингвистика (Ўзбек тили)
магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши
битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака
талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти учун кадр тайёрланаётган магистратура мутахассислиги		Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5A120102	Лингвистика (Ўзбек тили)	<p>Битирувчи қўйдаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларини, давлат таълим стандартларини билиши; - тилшуносликнинг филологик фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаши; - бадний матннинг таркибий тузилишини аниқлаши; -тилшуносликда қўлланиладиган истилоҳлар мазмунини билиши; -Ўзбек тилининг бойиши ва унинг манбаларини аниқлаши; -тилшуносликнинг етакчи хусусиятларини билиши; -матннинг лингво-услубий турларини билиши; -матннинг фонетик таҳлил усуллари; -матннинг лексик таҳлил усуллари; -матннинг морфологик таҳлил усуллари; -матннинг синтактик таҳлил усуллари; -матннинг лингвооэтик таҳлили; -матннинг антропоцентрик таҳлики; -замонавий психолингвистик назарияларни тавенфлаши; -коммуникатив вазият ва коммуникатив номинациянинг ўрнини белгилаши; -коммуникация жараёнидаги психолингвистик воситаларни қўллаши; -хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши; - ўзбек тили тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндалари, тилшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиши;

			<p>-илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили фанини умумтаълим мактабларида ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот ишларини олиб бориш;</p> <p>-интернет тармогидаги ўзбек тили, ўзбек тилишунослиги фанининг энг янги илмий ютуқлари хақидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;</p> <p>-ўзбек тилишунослиги тарихини илмий ўрганиш, жараёнларни объектив ва ҳолис илмийлик нуқтан назаридан ёритиш;</p> <p>-тадқиқ қилинган мавзулар бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш;</p> <p>-кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, вақтин матбуот саҳифалари ва архив маълумотларидан фойдалана олишга оид методик фаолиятни амалга ошириш;</p> <p>-магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлашни керак.</p>
--	--	--	---

ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти директори



проф. Н.Махмудов


Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат адабиёт музейи
 томонидан 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура
 мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига
 киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши
 битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака
 талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	ЎзРФА Давлат адабиёт музейи учун кадр тайёрланаётган магистратура мутахассислиги		Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5A120102	Лингвистика (ўзбек тили)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизимини такомиллаштиришга оид Фармонларини, бу борадаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини ҳамда “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларини, давлат таълим стандартларини билиши; -тилшуносликнинг филологик фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаши; -ўзбек тилининг бойиши ва унинг манбаларини аниқлаши; -замонавий психоллингвистик назарияларни тавсифлаши; -коммуникатив вазият ва коммуникатив номинациянинг ўрнини белгилаши; -коммуникация жараёнидаги психоллингвистик воситаларни қўллаши; -стимул ва реакция тушунчаларини билиши; -нутқ фаолиятини ташкил қилишдаги зарурий омилларни тушунтира олиши; -инсон, вазият ва эксперимент омилларига таяниши; -матнни услубий баҳолай олиши; -ўзбек маданиятининг лисоний қолда воқеланишини билиши; -этномаданий этиканинг тамойилларини билиши; -менталитетни тадқиқ этишдаги ўзига хос усулларни билиши; -тил, лисон ва нутқни фарқлаш тамойиллари; -тил, лисон, нутқни фарқлаш методологияси; -сатҳлар иерархияси назариясининг парадигматик асослари; -лисоний ва нутқий бирликларни ажратини тамойиллари;

			<p>-дисоний оппозициялар турлари, хусусиятлари ва аҳамияти;</p> <p>-интернет тармоғидаги ўзбек тили, ўзбек тилшунослиги фанининг энг янги илмий ютуқлари хақидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;</p> <p>-ўзбек тилшунослиги тарихини илмий ўрганиш, жараёнларни объектив ва холис илмийлик нуқтан назаридан ёритиш;</p> <p>-тадқиқ қилинган мавзулар бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш;</p> <p>-музейлар, кутубхоналар, ахборот-ресурсе марказлари, вақтли матбуот саҳифалари ва архив маълумотларидан фойдалана олишга оид методик фаолиятни амалга ошириш кўникмаларни таъминлаши керак.</p>
--	--	--	--

ЎзРФА Давлат адабиёт музейи директори



410  ф.ф.д. Ж. Эшонкулов

“Шарқ юлдузи” журналі томонидан 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили)
магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмољчиларининг таълим йуналиши
битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака
талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	“Шарқ юлдузи” журналі учун кадр тайёрланаётган магистратура мутахассислиги		“Шарқ юлдузи” журналінинг 5A120102-Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5A120102	Лингвистика (ўзбек тили)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - турли жанрларга мансуб асарларни тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш; - ўзбек тили ва адабиёти бўйича фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши; - маълумларни имловий, услубий жиҳатдан таҳрир қила олиш; - ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги гояларни яратиши; - тил ва адабиёт таълимига оид мақолаларни ёза билиш; - барча турдаги хатларни ёза билиш; - барча турдаги маълумотларни ёза олиш; - ўзбек тили ва адабиёти таълими соҳасига оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлиллариини ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; - турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; - тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш; - соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш; - амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот теҳнологияларни қўллаш.

“Шарқ юлдузи” журналі бош муҳаррири



(Handwritten signature)

Сирожиддин Рауф

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура
мутахассислиги малака талабларининг ишлаб
чикувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ 4 ” 08 2018 й.

Биз қуйида имзо чекувчилар – ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори проф.Н.Махмудов, ЎзРФА Давлат адабиёт музейи директори проф. Ж.Эшонқулов, “Шарк юлдузи” журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқув ишлари бўйича проректори И.Лзимовлар Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, “Шарк юлдузи” журнали таҳририяти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатор”га мувофиқ 5A120102 – *Лингвистика (ўзбек тили)* магистратура мутахассислиги малака талабларини ишлаб чиқиладиганлиги, муҳокама қилиш ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талабларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5A120102 – *Лингвистика (ўзбек тили)* магистратура мутахассислиги малака талабларини ишлаб чиқишида кадрлар истеъмолчилари ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, “Шарк юлдузи” журнали таҳририяти томонидан қўйилган талаблар инobatта олинган.

5A120102– *Лингвистика (ўзбек тили)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида” 2018 йил 4 июндаги ПҚ-3769-сонли, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

3151-сонли Қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

5A120102 – *Лингвистика (ўзбек тили)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган 5A120102 – *Лингвистика (ўзбек тили)* магистратура мутахассислигининг малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг директори



Н.Махмудов

ЎзРФА Давлат адабиёт музейининг директори

Ж.Эшонкулов

“Шарк юлдузи” журнали бош муҳаррири



Сирожиддин Рауф

Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетининг ўқув ишлари
бўйича проректори



И.М.Азимов

**5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги
учун тайёрланган малака талабларига**

ТАҚРИЗ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳадаги ислохотлар таълим тизими соҳаси олдига ҳам янги талабларни қўймоқда. Бунда таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида муаян мақсадлар белгиланган ҳолда ўқув-меъёрий ҳужжатлар ҳам қайта таҳрир қилиниб, такомиллаштирилмоқда. Республикадаги олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ўзида ифодалаган Олий таълимнинг ушбу малака талабларида 5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи, мазкур таълим йўналиши бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар тақдим этилган.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги 1-сонли йигилиш баёнининг 60-банди ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Ўқув режалар ва дастурлар, фанлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 1-босқич бакалавриат йўналишларининг янги ўқув-методик комплексларини яратиш ва уларни 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жорий этиш ва янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича” чора-тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларни камраб олингани ҳолда ишлаб чиқилган. Юқори малакали, рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашни инобатга олган ҳолда, таълим йўналиши учун зарур бўлган янги фанлар киритилган.

Унда магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари ва объектлари ҳамда магистр касбий фаолиятининг турлари, касбий мослашув имкониятлари кўрсатилган.

Соҳа бўйича магистр эгаллаши лозим бўлган малакавий компетенциялар, касбий компетенциялар изоҳланган. Илмий-тадқиқот муассасаларида, ЎМКХТ тизимида педагогик фаолият олиб бориш учун, педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий фаолиятида, ташкилий-бошқарув фаолиятида эгалланиши зарур бўлган касбий компетенциялар асослаб берилган.

Айниқса, ЎМКХТ тизимида педагогик фаолият олиб бориш учун қўйилган талаблар замонавий педагог эгаллаши зарур бўлган энг зарур сифатларни ўзида жамлаган. Зеро, малака талабларида кўрсатилганидек, педагог яхши билимга эга бўлиши билан бирга, ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаган бўлиши, замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш қобилиятига эга бўлиши, мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва


шакллар жабхаларида ўз-ўзини мукаммал такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши, электрон ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Фанлар блоки ва уларнинг мазмуни бакалавр эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, фанларни тўғри танлаб қўйиш имкониятини яратган. Таълим сифатига қўйилаётган талаблар рақобатбардош кадрлар етиштиришга қаратилган. Меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлиги таъминланган.

Узлуксиз таълим тизими талабларига риоя этилган магистратура босқичида ўқитилиши назарда тутилган фанларнинг мазмуни магистр қандай тасаввурга эга бўлиши; нималарни билиши ва қай даражада малака ҳосил қилиши ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Узлуксиз таълим тизими талабларига риоя этилган магистратура мутахассислигида ўқитилиши назарда тутилаётган фанларнинг малака талаб нуқтаи назаридан тақдим этилаётган мазмуни ва йўналиш ўқув режасидаги умумий юклама ҳажми тақсимотнинг назарий таълим ва амалиётни уйғунликда олиб боришга мослиги мазкур йўналишда яхши мутахассислар тайёрлашда муҳим рол ўйнайди.

5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили) магистратура мутахассислиги учун тайёрланган ушбу малака талабларидаги магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар бугунги куннинг мутахассиси - яхши билим ва малакага эга етук педагог, илмий ходим ва ташкилотчи-бошқарувчини етиштиришни кўзда тутганлигини алоҳида эътироф этамиз ва уни амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашга тавсия этамиз.



Шомирза Турдимов,
ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти етакчи илмий ходими, филология
фанлари доктори